

МИНТАҚАДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЭГЗОГЕН ВА ЭНДОГЕН ОМИЛЛАРИ, УЛАР ТАСНИФИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Чўпонов Санъат Отаназарович
УрДУ Иқтисодиёт кафедраси таянч докторанти
E-mail: chuponovsanat@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада минтақада инновацион хизматлар турларини ривожлантиришда эгзоген ва эндоген омиллар таъсири ва уларнинг таснифи ва кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинган. Шунингдек, инновацион хизматларни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инновацион хизматлар, эгзоген ва эндоген омиллар, хизматлар халқаро савдоси, таълим хизматлари, дастурлаш хизматлари, хизматлар экспорти.

Abstract. This article discusses the impact of exogenous and endogenous factors in the development of innovative services in the region and issues related to their classification and performance. In addition, foreign experience in the development of innovative services is also analyzed.

Key words: Innovative services, exogenous and endogenous factors, international trade in services, educational services, programming services, export of services.

Кириш

Инновацион хизматлар турларининг кўпайиши, унинг ривожини минтақада мавжуд имкониятлар, шарт-шароитлар билан биргаликда, эгзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар билан ўзвий боғлиқ ҳисобланади. Ҳозирги даврга келиб минтақада кўрсатилаётган ҳар қандай инновацион хизмат турларининг минтақа ЯИМ таркибидаги улуши ва унинг хоҳ ички бўлсин, хоҳ ташқи савдодаги улуши ҳажми гарчи йилдан-йилга ривожланиш тенденциясига эга бўлсада, тараққий қилган мамлакатлардаги ёки республикаимизнинг бошқа минтақаларидаги натижалар билан таққослаганда ҳам сифат томонлама ҳам ҳажм жиҳатдан анча орқада эканлиги юзага чиқади. Хизматлар соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш, ЯИМ ҳажмининг ошишида мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланади. Жумладан, мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради". [1]

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Янгиланган институционал шароитда, рақобатбардошликнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган минтақавий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши илмий, таълим, ишлаб чиқариш, молиявий, ижтимоий фаолиятларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ шаклланишини назарда тутди. [2] Ушбу далилдан келиб чиққан ҳолда, минтақада инновацион хизматларни ривожлантириш асосида омилларни чуқур таҳлил қилиш ва натижаларни амалиётга тадбиқ қилиш ётади. Амалда, модернизация мамлакатларнинг ўзлари билан боғлиқ бўлмаган экзоген, ички

ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлган эндоген ҳамда аралаш шакллардаги омилларга бўлинади.[3]

Жумладан, замонамиз иқтисодчи олимларидан Жон Эттлие инновациянинг бевосита хизматлар соҳаси билан боғлаб, инновациялар маҳсулот ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида турли шаклда намоён бўлади. Инновациялар ишлаб чиқариш жараёнида янги стратегия ва янги тизимларга асосланилса, хизматлар қисқа муддатли бета синов жараёнига эга бўлганлиги сабабли, янгиликларни муваффақиятли амалга оширишда намоён бўлади.[4]

Яъни, хизматлар бир вақтни ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Хизмат кўрсатиш соҳаси инноваторлари ишлаб чиқаришга қаратилган мақсадлардан кўра кўпроқ бозор ва маҳсулот билан боғлиқ мақадларга эътибор қаратишади.[5] Инновацияни ихтиро, илгари номаълум бўлган нарсани кашф қилиш билан аралаштирмаслик ёки янгилиштирмаслик керак. Одатда инновациялар радикал инновациялар, яъни, тақлиф этилаётган маҳсулотларни тубдан ўзгартириш ҳамда ортиб боровчи(инкременталь) инновация, яъни, мавжуд маҳсулотни кичик ёки доимий равишда такомиллиштириб бориш[6] тушунилади.

Юқоридаги ва бошқа кўплаб тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда, инновацион хизматлар-бу, иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделининг ислоҳ қилинган иқтисодий таълимотларга таянадиган янгича билим, технологиялар ва тадбиркорликни ўзида мужассам қилган хизмат каби таърифлашимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистика ва таққослаш каби методларга мурожаат қилинди. Ушбу методлар ёрдамида минтақанинг ўзига хос хусусиятларини иноватга олган ҳолда инновацион хизматлар турларини ривожлантириш йўналишлари ва ривожлантириш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича услубий ёндошувлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, минтақада инновацион хизматлар ривожига тўсқинлик қилаётган омиллар таҳлилий ўрганилди. Соҳани либераллаштириш, молиялаштириш ва соҳага замонавий технологиялар ва илмий тадқиқотларни тадбиқ қилиш билан боғлиқ омилларнинг кучли таъсирга эгаллиги аниқланди.

Таҳлил ва натижалар

Ўрганишларда ва таҳлиллар асосида минтақамизда хизматлар халқаро савдосининг бугунги кундаги ҳолатига ва унинг келажакда ривожланишига кўплаб экзоген ва эндоген омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳамда уларнинг фаолият юритиши билан боғлиқ жараёнларга таъсир қилувчи омиллар шартли равишда икки катта турга, яъни экзоген ва эндоген омилларга бўлиб ўрганилди. Бундай таснифлаш ва таҳлил минтақада кўрсатилаётган инновацион хизматлар билан боғлиқ йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилишда ва келажакда соҳа ривожига амалий дастур бўлиб хизмат қилади.

1-жадвал

Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлиги ҳамда муваффақиятини таъминлашга таъсир қилувчи экзоген омиллар[7]

Иқтисодий	Ижтимоий	Табиий	Фан-технология	Информацион	Ташкилий	Ҳуқуқий
Тўғри ташкил қилинган ташқи иқтисодий алоқалар	Миллий қадриятлар ва ананалар	Географик жойлашув	Инновацион технологияларнинг жалб қилинганлиги	Юқори сифатли алоқа	Замонавий бошқарув усуллари	Халқаро ҳуқуқий нормалар
Интеграцион алоқалар	Диний қарашлар	Табиий ресурслар	Соҳага илмий ёндашув	Ҳамкорлар билан алоқалар ва улар ўртасидаги рақобатга оид маълумотлар	Халқаро ташкилотларга аъзолик	Ҳуқуқий нормалар ва меёрий хужжатлар
Молиявий ресурслар	Тарихий алоқалар	Экологик вазият	Инфратузилма даражаси		Икки ва кўп томонлама алоқалар	Халқаро ҳуқуқий назорат
Савдо тўсиқларидан ҳоли ҳудуд	Аҳолининг соҳага бўлган эътибори	Табиий офатлар	Технополис, технопарклар ташкил қилинганлиги		Сифатли кадрлар	Ҳамкорликда халқаро ҳуқуқий шартномалар
Жаҳон талабига мос таклифлар сифати	Ижтимоий инфратузилма	Ҳарорат ва иқлим ўзгариши				

2-жадвал

Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлиги ҳамда муваффақиятини таъминлашга таъсир қилувчи эндоген омиллар[8]

Иқтисодий	Ижтимоий	Табиий	Фан ва технология	Информацион	Ташкилий	Ҳуқуқий
Хизмат кўрсатиш тури	Ходимларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимояси	Хизматларнинг экостандартларга мослиги	Техник ва технологик қуролланганлиги	Ишчилар билан алоқа ва тескари алоқа мавжудлиги	Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда назорат	Эгалик қилиш шакли ва муддати
Даромадлар манбалари ва тақсимланиши	Ижтимоий рағбат тизими	Экологик билим, маданият ва этика	Фан-техника ютулари ва ходимлар малакаси мослиги	АКТ билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси	Соҳада етарли тажрибага эгалиги	Соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояланганлиги
Субсидия ва молиявий ёрдам		Табиий офат ва иқлимий ўзгаришларга мослашувчанлик		Кибер хавфсизлик	Ички бошқарув тизими	Ходимлар ҳуқуқлари ҳимояси

Иқтисодиётда хизмат кўрсатувчилар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўрганилган назарий билимларга таянган ҳолда, иккита катта экзоген ва эндоген ҳамда ўз навбатида бу катта гуруҳлар еттита кичик бўлимларга таснифланди.

Очиқ иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини олиб бориш, жаҳон стандартларига мос хизматларни ташкил этишда бевосита иқтисодий қонуниятлар ва дастаклар муҳим рол ўйнашини инобатга олган ҳолда бирламчи омил сифатида иқтисодий омиллар қараб чиқилган. Бунда асосий эътибор кўрсатилаётган хизмат тури, молиявий ресурслар манбаи ва албатта даромад ва харажатлар миқдорида қаратилган.

Шунингдек, хизматларни ташкил этишда миллий қадриятлар, диний қарашлар, рағбат ва муносабатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий омиллар ҳам ўрганилди.

Барча соҳаларда бўлгани каби фаолият турининг географик жойлашуви, ресурсларнинг мавжудлиги, экологик ҳолат, иқлим ўзгаришлари ва бошқа табиий жараёнлар таъсирларини инобатга олиб, хизматлар соҳасида табиий омиллар ҳам энг муҳим роль ўйнаши маълум.

Тўртинчи гуруҳ сифатида фан ва технологик омиллар келтирилган бўлиб, бунда асосий эътибор инновацион технологияларнинг жалб қилинганлиги, соҳага илмий ёндашув, инфратузилма даражаси ва бошқа шарт-шароитларга қаратилган. Бевосита, таълим хизматларини кўрсатишда энг муҳим омиллардан бири бу ISO 9001: 2000 стандартининг истеъмолчилар эҳтиёжлари ҳамда талабларининг қанчалик қондирилганлиги баҳолайдиган сифат менежменти тизимидир.[9]


Инновацион хизматлар турларини ривожлантиришда қарорларни тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш лозимлиги, фаолиятни ишончли ахборот билан таъминлашда, ахборот хавфсизлигида ва жараёни юқори сифатда бажарилишида замонавий дастур ҳамда АКТ лар билан таъминланишида информაციон омиллар муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган. Янги АКТ ларга асосланган иқтисодиётнинг глобаллашуви кўпроқ инновацион рақобатнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса, турли маданиятлар, тартибга солиш тизимларини яхшироқ тушунишга бўлган талаб ҳамда, бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар тажрибасини ўрганишнинг янги йўллари очирилишига олиб келади.[10]

Ўрганишлар натижасида шуни таъкидлаш керакки, минтақада хизматлар халқаро савдосини янада юксалтиришда ҳар бир хизмат турининг шаклланиш босқичидан бугунги даражасигача босиб ўтилган йўлни, эришилган ютуқ ва камчиликларни ҳамда келажакда жаҳоннинг хизматлар савдоси яхши йўлга қўйган мамлакатларидаги каби натижаларга эришишда ҳар бир хизмат турига алоҳида ёндашув талаб қилинади. Минтақада ривожланиб бораётган туризм ва транспорт шакллари олинadиган бўлса, уларнинг ибтидоси узоқ ўтмишда ҳам мустаҳкам асосга эга бўлган, яъни "Буюк ипак йўли" нинг гуллаб-яшнаган вақтига бориб тақалади. Тарихан ушбу хизмат турларининг халқаро савдоси турли хил низолар оқибатида ёки яқин ўтмишдаги собиқ Совет иттифоқининг ёпиқ иқтисодиётга асосланиши сабабли талофатга учраган ёки батамом тўхтаб қолган. Республикамизнинг мустақилликка эришиши туфайли ушбу хизмат турларига бўлган эътибор, яратилган имкониятлар, турли шаклдаги ва ҳажмдаги имтиёз ва эркинликларнинг берилиши, айниқса, охирига йиллардаги чиқарилган ҳукумат қарорлари ва соҳага қаратилаётган улкан эътибор ва яратилаётган имкониятлар ушбу хизмат турларининг жадал суръатларда ривожланишига олиб

келди. Буларга янги йўлларнинг очилиши, деярли тўхтаб қолган темир йўл орқали юк ташишнинг яна ривожлантирилиши, қўшни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг тикланиши, узоқ ва яқин мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристлар учун эркинликларнинг берилиши ва бошқа бир қанча омилларни санаб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, минтақамизда мавжуд туристик имкониятлар ушбу хизмат турларининг халқаро савдосини яқин йилларда бир неча баробар ошириш мумкинлигини ҳам исботлади.

Минтақада азалдан олий таълим муассасалари ва ўрта махсус билим юртлари сонининг кўплиги, қўшни Туркменистоннинг чегарадош вилоятларидан ташриф буюриб, таълим олишга бўлган, ёки Туркменистон ва Қозоғистоннинг чегара вилоятларида тиббий хизматларга бўлган талабнинг юқори эканлигига гувоҳ бўлинади. Бу омил истиқболда, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда соҳани янада юксалтириш имконини беради.

Американинг халқаро ўқитувчилар таълим ва алмашинувга ихтисослашган дунёдаги энг йирик нотижорат бирлашмаси(NAFSA) АҚШнинг 509 та университетлари орасида таълим хизматлари экспортига акс таъсир қиладиган омиллар бўйича сўров ўтказган (1-расм).



Таълим хизматлари экспортига акс таъсир қиладиган омиллар¹

Сўровнинг биринчи йилида энг юқори кўрсаткич ўқиш нархининг юқорилиги бўлса, 2017 йилга келиб, виза муносабатлари энг юқorigа чиққан ва сўнгги 2018 йилда эса виза олиш билан боғлиқ муаммоларга деярли 83% талабалар учраганликларини маълум қилганлар. Шу билан бирга, қолган барча 6 та йўналишда ҳам дастдабки йилга нисбатан ўсиш, яъни муаммолар кўпайганлиги маълум бўлган ва бунинг оқибатида дунё бўйича АҚШ да таълим олувчилар ҳажми умумий 28% дан 21%га тушиб кетган.

Австралидаги битирувчиларга ўқишдан кейин қолиб 18 ой ишлаши мумкинлиги тўғрисидаги қонун 2018 йилда рўйхатдан ўтган талабалар ҳажмининг 15% га ошишига ва Канадада битирувчиларга уч йиллик ишчи визасининг берилиши эса

¹ NAFSA.org

2017 йилда Канадада рўйхатдан ўтган талабалар ҳажмининг 20% ўсишига олиб келган. [11]

Хулоса ва таклифлар

Хизматлар савдосини эркинлаштириш ўз навбатида узоқ ёки ўрта муддатда катта самара бериши мумкин. Масалан, божхона тарифларини пасайтириш ва телекоммуникация, интернет орқали савдони либераллаштириш хизматларидан фойдаланишнинг кенгайиши ишлаб чиқарувчиларга глобал бозорларда рақобатлашишига ёрдам беради. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, энг долзарб муаммолардан бири-бу фермерларга энг янги техникаларни ўрганишга имкон беради ва ҳозирда жаҳон бозорига чиқа оладиган туризм ва шу каби бошқа хизматларнинг ривожига ёрдам беради. Хизматлар савдосида протекционизм сиёсатининг жорий қилиниши миллий иқтисодиёт манфаатларига катта зиён етказди. Бошқача қилиб айтганда, халқаро хизматлар савдосининг эркинлаштирилиши ва чекловларнинг олиб ташланиши ички хизмат кўрсатувчиларга рақобат жиҳатдан маълум бир миқдорда салбий таъсир кўрсатиши мумкин, лекин мамлакатнинг умумий даромадига ва минтақада катта ҳажмда ишсизликнинг бартараф этилишида ёки мамлакат иқтисодиёти учун мультипликатор самарадорлигини беришда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 16.06.2020 даги "Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" га бағишланган йиғилишидан. uza.uz.
2. Максиянова Т.В. Государственная политика в области инновационной деятельности // Наука и современность. - 2011. - №9. - С.192-197.
3. Gordon D.M. Inside and Outside the Long Swing: The Endogeneity/Exogeneity Debate and the Social Structures of Accumulation Approach / Review Fernand Braudel Center. – 1991. – Vol. 14, № 2. – P. 263-312.
4. John E. Ettlie. (2020). Innovation Renaissance. Defining, debunking and demystifying creativity. Routledge is an imprint of the Taylor & Francis Group. London and New York. P. 86.
5. Peter Hanel (2006). Innovation in the Canadian Services Sector. University of Calgary press. Canada. P.347
6. V.V. Baunsgaard and S.R. Clegg (2015). Innovation: A Critical Assessment of the Concept and Scope of Literature. P.7.
7. Муаллиф ишланмаси
8. Муаллиф ишланмаси
9. Hanna V. Shauchenka (2015). Affective quality of educational services measurement in the context of higher education marketing. Plymouth University. P.69.
10. Miles I. Services and the knowledge-based economy (2003). CRIC and PREST, University of Manchester.
11. Marcus Lu. (2020). The impact of international students on the U.S economy. Visual capitalist. P.7.